

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак


1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 20 Август Чоршанба. № 65 (14457)

## ИСТИҚЛОЛ МЕҶИҲТ ТАҚДИРИМДА

### АСРЛАРГА ТЕНГ ЛАҲЗАЛАР



Бугун юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, юксалишлар, илмий-техникавий ҳамда интеллектуал имкониятлар дунёнинг барча минтақаларидаги сиёсатчи олимлар, иқтисодчилар, боришчи, оддий одамларнинг ҳам диққатини унга тортмоқда. Сўзимизга исбот келтирадиган бўлса, Тошкент Давлат Аграр университети "Агробизнес ва менежмент" кафедраси мудири, академик Саодасор Саодасович ФУЛОМОВ Нью-Йорк Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди.

Саодасор Саодасович, сир эмаски, ҳозирда хорижийликнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортаётган бўлмоқда. Шу ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.

Дарҳақиқат, бизнинг мустақил, ёш республикамизга жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қизиқиш катта. Мен шуни ифтихор ва гурур билан айтишим керакки, дунёнинг қай нуқтада бўлмай, барча жойда бизнинг олимларимизни тан олишди ва уларнинг илмий ютуқларига юқори баҳо беришди. Бу борада хорижий ҳамкасблар биз билан тажриба алмашиб, ўз фикр мулоҳазалари билан урқоқлашди. Уларнинг фикрича, ҳозирги вақтда юртимиз ҳаётида рўй бераётган воқеалар келажакда аграр тизимини барпо қилишимиз учун муҳим босқичдир.

Чет эллик олим ва мутахассислар республикамиз аграр соҳасида ўтказиладиган хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасаруфидан чиқариш, фермер хўжалиқларини ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларимизга хайрихоҳлик билдирмоқдалар.

Нью-Йорк Академиклик нафузли халқаро ташкилот-га ҳақиқий аъзо бўлишимиз сабабини нимада деб ўйлайсиз?

Давлатимизда ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида олиб борилаётган демократик жараёнлар, мамлакатимиздаги соғлом сиёсий муҳит ва олимларимизнинг илм-фан соҳасидаги ижодий фаолиятларининг натижалари жаҳон миқёсида тан олиниши республикамизга булган эътиборни янада кучайтирди. Бу борадаги изланишларимиз, илмий мақолаларимиз, академия аъзолари билан ўрнатган ижодий алоқаларимиз бунга сабаб бўлган деб ўйлайман. Умуман олганда, Нью-Йорк Фанлар Академияси 1817 йилда ташкил этилиб, ҳозирги кунда у жаҳоннинг 150 миллион Академикларининг 47 мингта аъзо аъзоларини бирлаштирувчи, ўз сафига дунёга танилган бир қатор машҳур олимлар ва ириқ мутахассисларни қабул қилган нафузли халқаро илмий ташкилот ҳисобланади. Академия халқаро ҳамкорликда илмий тадқиқотларни бажаришда ҳамда долзарб умуминсоний муаммоларни ҳал қилишда кўплаб хилма хил гоиларни амалга оширди.

Бугунги кундаги фаолиятингиз ва хорижий ҳамкорлик хусусида тўхталсангиз.

Университетимизда бир қатор долзарб йўналишлар бўйича ириқ илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётган. Жаҳон Банки Иқтисодий Ривожланиш Институтининг Тошкент Давлат Аграр Университети қошидаги минтақавий марказда аграр соҳадаги муаммоларни муҳофаза қилиш (ранс, бош ҳисобчи, иқтисодчилар) қайта ўқитилиш, уларга бозор иқтисоди муносабатлари, бизнес режалар тузиш, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни амалга ошириш ўргатилади. Бунда жаҳон

банкнинг ўқув-услубий дастури ва қўлланмаларидан кенг фойдаланилади.

Айтмоқчи, Жаҳон Банкнинг Иқтисодий Ривожланиш Институтининг "Кемоникс интернейшнл", Канаданинг "Агримт" фирмалари, Осиё Банкнинг иқтисодий тараққиёт институти, Жаҳон Банкнинг ижтимоий тадқиқотлар институти, Япониянинг "Ниппон" фирмаси билан ҳамкорликда республикамиз миллий иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Асосий эътиборимизни қишлоқ хўжалик ходимларини бозор иқтисодиёти шароитида замонавий бизнес ва менежмент соҳалари бўйича тайёрлашда инвестицияларни келтириш ва жалб этишга қаратишимиз лозим. Қолаверса, АҚШнинг Гарвард, Англиянинг Ноттингем, Мисирнинг Искандария ва Қоҳира Университетлари, Чехиянинг Түркиячилик институти, Польшанинг моддий хўжалик институти, Россиянинг кўза қўринган илмий тадқиқот институти каби нафузли муассасалар билан ҳамжihatликдаги изланишларимиз ўзининг ҳам ижодий самарасини бермоқда.

Ундан ташқари Қўшма Штатларнинг Халқаро Ривожланиш Агентлиги, Евроосиё Жамғармаси, ТАСИС, АКСЕЛС-дек бошбух халқаро ташкилотлар ёрдамида Ўзбекистоннинг барча вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари учун қатор мавзулардаги семинарларни ўтказишни режалаштириб қўйганмиз.

Саодасор Саодасович, балки мавзудан чегга чиқиб кетсангиз бўларди, лекин ёшлик даврингиз ҳақида ҳам бироз гапириб берсангиз.

Илк илмий мақолам Олий ўқув юртининг 2-курсда ўқиб юрган кезларимда чоп этилган. Уша пайтда талабалар илмий жамиятида ўтказиладиган ҳар бир анжуманда иштирок этардим. Москвадаги Плеханов номидаги халқ хўжалиги институтида аспирантурани давом эттирганман. Нокамерликка йўланганда, 23 ёшда фан номзолигини, 31 ёшда докторлик диссертациясини ёқладим.

Шоширларингиз...

Шоширларимиз билан. Улар орасида бир қанча доктор, фан номзолиги бор. Бошқалари энди химияга тайёрланишяпти.

Сўхбатимиз улуғ айём Истиқлол байрами арафасида бўлади. Шу дамларда қўнғилиқдан илар келмоқда?

Мустақиллик боис қалбимизда миллий ифтихор туйғуси пайдо бўлди. Борлиққа, ҳаётга, қолаверса ўзимизга ҳам буткул бошқарув, ўзликини англаб етиш, юрдан фахрлилик хисси уйғонди. Ҳамдустлик мамлакатларидаги дўстларимиз ҳам биз тула ҳуқуқий аъзоси бўлган орали халқаро ташкилотлар ҳам ҳозирда Ўзбекистоннинг фикри билан ҳисоблашмоқдалар. Зеро, Президентимиз айтиб ўтганлидек, ўтган даврнинг ҳар бир йилини аҳамият жиҳатидан тарихимизнинг ун йилликларига тенглаштиришимиз мумкин, десак муболага бўлмас. Ватанимиздаги оламшумул ўзгаришлар юз берган саналарни, лаҳзаларни асрларга тенглаштирсак, хато қилмасмиз балки.

Ёшларга қандай тиллар билдирисангиз?

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида айрим ёшларимиз ўзларини савдо-сотикча уриб кетаётганликларини мени ранжитди. Уларни кўпроқ илму-ҳунар, маърифатга интилишларини истардим. Ёшлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. "Умид" жамғармасининг тасвир этилиши фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Йигит-қизларимизнинг эндиги вазифаси эса аъло ўқушлари, изланишлари, ҳалол меҳнатлари билан мустақилликнинг мустақамлашга ҳиссаларини қўшишларидан иборат деб биланам.

Сўхбатдош: Назоқат УСМОНОВА

Мустақиллик -- улуғ неъмат. Бу "ғуҳари шариф"га эга бўлганимиздан буён ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Истиқлолнинг истиқболли йўналишлари асосида ишлаб чиқилган тадбирлар халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмоқда. Одамларнинг руҳиятидаги, моддий ва маънавий ҳаётдаги жиҳодий ўзгаришлар қалбларини қувонтирмоқда. Истиқлол насимидан энтикиб эркин нафас олаётган бир неча замонавиймизга "Мустақиллик сизга нима берди? У сизнинг тақдирингизда қандай роль ўйнади?" деган мухтасар савол билан мувожабат этдик. Мана уларнинг жавоблари:

Даноҳон Йўлдошева, Тошкент шаҳри, Бектемир туманидаги Турор Рисқулов номли 290-мактаб ўқитувчиси.

Мустақиллик бизга берган моддий неъматларнинггина кўрсатиш, менимча, тўғри бўлмас керак. Истиқлол бизга нафақат моддий неъмат берди, балки маънавий-тизимини ҳам бойитди. мудроқ қалбларимизни уйғотди, она-Ватанга бўлган муҳаббатни, буюк келажакка бўлган ишончимизни орттирди.

Мураббий сифатида истиқлол берган имкониятлардан яна бирини таъкидламоқчи эдим. Агар олдин ўқитув-

чи фақат дарслик ва қўлланмалардаги мавжуд фикрларни ўқувчиларга етказувчи одам бўлган бўлса, эндиликда у эркин фикрловчи, ижодий изланувчан, яратувчи шахсга айланди. Энди ўқитувчининг вазифаси фақатгина ўқитишдан иборат бўлиб қолмай, у ёшларни мустақиллик мафқураси, истиқлол гоилари билан тарбияловчи ҳақиқий мураббийга айланди.

Шерали НУРАЛИ ўғли, "Ўзликчурилш" трестига қарашли 1-Қурилиш-таъмирлаш бошқармасининг таъминотчиси.

Мустақиллик бизга берган неъматларини номма-ном санаб чиқиш қийин. Мен ўзимга яқин бўлган соҳаларга эътибор қилдим.


Ўзгаришлар мисолида саволингизга жавоб бермоқчиман. Мен қурувчи-муҳандисман. Шу боис мени тўқинлангиздан, қувончимга сабаб бўлган қурилишлар ҳақида гапирмоқчиман. Чиндан ҳам қувонмай бўладими? Чор-атрофингизга бир қаранг. Мустақилликка эришганимиздан буён юртимизда қандай улкан қурилишлар амалга оширилди, мухташам саройлар, гузал боғлар барпо этилди, муҳим ишчиоғлар ишга туширилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон катта қурилиш майдонига айланди. Ахир буларнинг ҳаммаси мустақиллик берган имкониятлар туфайли юзга келмоқда-ку.

Темир ҚУРБОН

### БҮР ЮРТ БОРҚА...

## Мустақиллик обидалари

Юртимизга ташириб этган ҳар бир сайёҳ учун Тошкентдаги «Интеркон-тинентал» меҳмонхонаси хизматга тайёр



-- Ойи! Ойжо-он! Бу ёққа қаранг... - деб тўсатдан онасини чақириб қолди Лолаҳон телевизорни томоша қилиб ўтираркан. Ошхонадаги сувнинг жұмрагини ҳам ёпмай, хавотирда, ранги оқариб онаси халлослаб кириб келди.

-- Лаббай жон болам, бошландими? Қўшниларга чиқайми ё "Тез ёрдам" чақирайми? - деб хомиласи етилиб қолган қизининг аҳолидан саросимага тушиб сўради.

-- Йўқ ойжон... - деб телевизордан кўзини зўрға узаркан онасини бехосдан чақириб хавотирга қўйганидан ҳижолатга тушиб дув қизариб кетди.

-- Нима бўлди, қизим. Айтавер. Ўзи кеча тунда галати тушлар кўриб келганим уйингга. Еки бирор нарсадан кўриб кетдингми, - тусмолаб сўради онаси хавотирли ошиб.

-- Йўқ, ойжон. Кўрқиб кетмадим, тўлғоғам бошланмади, - деб телевизорга яна назар ташларкан давом этди. - Ойжон, ҳозир юртбошимиз эълон қилдилар... юртимиз мустақил бўлди, ойжон ишонасизми? Оозод бўлди! Қаранг, ҳукумат аъзолари, делегатлар бир-бирини қутлашяпти. - Те-

### КАМГАП БОЛА

левизорда рост-қарсақ чалар, б и р и н и г с и қ а р д и.



-- Худое бўлсин, - деб нима тўғрисида яхши англол-нинг кўнгли ларида қизи-энткиб турган кўзини узмас силаб, бағрига Болам, не ҳозир ўзингни, болани ўйлабнинг ишлари тавареди. Эшитилсанми, санга ҳозир ҳаяжонлиниш мумкин эмас.

Насиб этса фарзандим озод мамлакатда туғилганидан бўлди, деб ўйлади Лола ҳалиям ҳаяжондан ўзига келолмай. Уларнинг бир ўғил, икки қизи бор. Катта ўғлининг исми Дониёр, кўнгли сезаяпти, буниси ҳам ўғил бўлади. Чақалоқ туғилганда акасига мослаб, ҳам элга ёр бўлсин деб Элёр номини берадилар. Тунга бориб тўлғоқ тугди. Эри Абдусамат машинада хотинини турғуқонга элтиди. Шундай қилиб чақалоқ кечаси энди юртбошимиз мустақил деб эълон қилган мамлакатда туғилди. Эртасига - биринчи сентябрь кунини буваёси Фарҳод акага неварга қўригани айтанларидан хурсандчилиқдан кўздан ёш чиқиб кетди.

-- Бир кунда иккита хушхабар - ҳам элим озод бўлди, ҳам неварга қўридим. Боланинг бу кунда туғилиши бахтли насиб. Юртим янги давр, озодлик даврига қадам қўйди. Шунинг учун унинг исминини Даврон қўямиз, - деди буваёси хурсанд бўлиб.

Мана, орадан олти йил ўтиб мен 3-Тансиқбоевдаги 32-кўп қаватли уйдаги Давронларнинг хонадонига ташриф буюраётirman.

Мен кирганимда у каратэ машқларини, яъни қўлларини елкаси узра ошириб оёқларини учидан ушлаганча қорнида ярим доира шаклида "инананай-попинай" машқини бажарётган экан. У бу машқни пешонасидан қора тер қуйилгунча бажарди. Даврон олти йил умрини бежиз ўтказмай ҳозирча юзгача санашни, унча-мунча хижжалаб ўқиниш ўрганиб олибди. Онаси "Мухбир амакин билан сўхбатлаш" деганида, у вазини қадам босиб олдимдаги стулга чўкди. Мухбирлар билан гаплашиш ўзи унга сут билан киргандай гап - туғилган кунининг эртасигаёқ уни "Ахборот"да бутун мамлакатга намойиш қилишган. Тагин мендан олдин "Муштум" журнали ва "Тошкент оқшоми" газеталарининг беги чаққон мухбирлари билан аллақачон сўхбатлашиб улгурган. Ундан ташқари у спортчиларга ўхшаб табиатдан босиқ ва камгап. У айтиб берган шеър ҳам эркаклар табиатига мос:

Дукур-дукур от келди,  
Чиқиб қаранг ким келди  
Ха-ю, читтигул!  
Қўлинг қўлбоқда бўлсин!  
Белинг белбоқда бўлсин!  
Ха-ю, читтигул...

Ватанининг истиқболли билан туғилган, озодлик ва эркинлик даврининг эгизига Давронга ҳаяжон билан қарайман. Пешонасидан дув-дув тер оқаётир, тиниб тинчимайди. Худое оёсийшалик даврининг посбони, камарбастаси бўл! Ота-онанг сен билан келажакда фахрлансин!

СУННАТ

### Шу сонга хабар

## ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистонлик қирқ нафар юқори синф ўқувчилари янги ўқув йилини Америка Қўшма Штатларида бошлайдилар. Бундай имкониятни уларга бир неча йилдан буён юртимиздаги иқтидорли ўқувчи, талаба ҳамда аспирантларнинг узоқ муддатли хайрия дастури асосида билим олишини таъминлаётган АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш соҳасида ҳамкорлик қилувчи "АКСЕЛС" маркази яратиб берди. Мана олти йилдирки, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан келган ўқувчилар тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Американинг энг нафузли мактаб, коллежаларида таҳсил олишади. Шу пайтгача у ерда уч юздан ортиқ ўзбекистонлик болалар илм

олиб, чет тили, информатика асослари, иқтисодиёт ва бошқа фанларни пухта ўзлаштирган ҳолда олий ўқув юртлари талабалари сафидан жой олдилар. -- Бизнинг вазирамиз АҚШда таҳсил қўриган йигит-қизларимизнинг бутун билим ва маҳоратидан Ватанимизнинг равнақи йўлида фойдаланиш, -- дейди Республика Халқ таълими вазирилик қўшидаги умумтаълим мактаблар бўлимининг раиси Гуландон Олимова. -- Шу ўринда ҳукуматимизнинг иқтидорли ёшларга кўрсатаётган ғам-хўрлигини ҳам эътироф этиш зарур. Истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватловчи турли жамғармаларнинг ташкил этилгани фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

НОЗИМА

## ЭЪТИРОФ

Менинг ўзбек халқига ҳурмат тобора ошиб бормоқда. Сабаби - бу халқ ўз маънавиятига катта эътибор билан қараркан. Ёш авлодни буюк аجدодларининг бой маънавий, маданий меросларини асосида тарбиялашга ҳаракат қиларкан. Муболагасиз айтаманки, Ўзбекистон маънавияти масалаларида Буюк Британияга ўркан бўлиши мумкин. Мен Республикангизда ишлаб бунга ишонч ҳосил қилдим.

Вин РАЙЛЛИ,  
Буюк Британия фуқароси

### ЭЛИМ

Сен Навоий, сен Фурқат, сен руҳлар армонисан, Сен буюк мунажжимнинг юлдузга нарвонисан, Бобурнинг Андижонга етмаган қарвонисан, Бош қўйиб синганим, Маккамсан ўзинг элим, Излаб-излаб топганим, яккамсан ўзинг элим.

Неча йил зимистонда кишанларга қул бўлдинг, Офтобга талпиндинг ҳазон бўлдинг, қул бўлдинг, Букун бахт қуёшининг нурулида гул бўлдинг, Қўзгинанинг қароси, мўмин элим, бош элим, Қодирий кўзидаги қатра-қатра ёш элим.

Қуёшингни тополдинг, энди толе инмагай, Умидлар пийласи тошлар тегиб синмагай, Ҳайҳот, тулпорларингга ёсуманлар минмагай, Эй, мунис онажоним, эй, қайта тирилганим, Кўксидан тошлар эриб, ўз қадрини билганим.

Мен қалоқ қўлларингга юрагимни тутарман, Сахро-ю, музликларинг кипригимга суртарман, Тирикман, қўлимда тор, бақириб қуйлаб ўтарман, Ёмон кўздан араган туморим, ўзинг элим, Шавкатим-шоним ўзинг, номусу орим, ўзинг элим.

Шухрат ОРИФ,  
Фаргона вилояти, Учқўприк тумани  
20-ўрта мактаб X-синф ўқувчиси



Ҳей, сочига "капалак" - лентта таққан қизалоқ,  
Не бахт, ақиқ кулгидега қувончларинг - қизғилоқ...  
Мустақиллик шарафни умидингга айлансин  
Ва биринчи қўнғироқнинг садосига бойлансин!

### Фаррухнинг олтин медали

Туркиянинг Измир шаҳрида математик лойиҳалар бўйича халқаро олимпиада бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 17 мамлакатидан 126 нафар иқтидорли ёшлар, шу жумладан, Тошкент вилоятининг Ангрон шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Фаррух Қорабоев ҳам қатнашди.

Мусобақа уч гуруҳга ўтказилди. Улар орасида «Таҳлил» гуруҳи энг мураккаби эди. Бунда ўн учта лойиҳа муҳокамага қўйилди.

Ҳамюртимиз «Ёшлар ҳавасидаги объект учун хавфдан қутулиш стратегиясини топш» деб номланган лойиҳаси билан қатнашди.

Лойиҳа ҳаммаси инглиз тилида ўтди. Жаҳондаги етти ривожланган мамлакатнинг атоқли фан арбобларидан иборат хайят Ф.Қорабоевнинг ишнини биринчи ўринга лойиҳа топди. Унга олимпиаданинг олтин медали топширилди.

Физика ва математика фанлари бўйича бир қанча ириқ олимпиадаларнинг совриндори бўлган Фаррух ўзбек-турк лицейи вакиллари қатнашган республика олимпиадасида голиб чиқиб, мазкур анжуманга йўлланма олган эди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 19 августдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қийматини 72 сўм 45 тийин миқдоридан белгилади.





